

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ №21

Самарканд в

«13» «январ» 2022 йил

«Шерюрак Худайназар» Ф/Х, кейнги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи Тұрақулов Х номидан, бир томондан ва «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошкармаси, кейнги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи бошкарма бошлиги Х.Равшанов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига ўз вактида сифатли килиб етказиб бериш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар ва маҳсулотлар номланиши	Улч. бирлиги	микдори	нархи	Сумма
1.	Биогомус	Кг	5200	2000	10 400 000
	Жами				10 400 000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси **10 400 000** (Ун миллион тўрт юз минг) сўмни ташкил киласди

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани газначилик бошқармасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичидан конунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30 % микдорида (шартнома суммасидан 30% микдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни товарни олгандан сўнг 10 банк иш куни ичидан қабул килиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблаглари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварагига келиб тушган вактдан бошлаб 3 банк иш куни ичидан товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни кабул килишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўликлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошка ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича кабул килинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуклари: Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошка меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини коплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартларида бошка ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;
- камчиликларни бегараз бартарф этиш;
- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган заарни коплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;
- товарларнинг кийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига кўзда тутилган тартибида ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;
- Буюртмачидан шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асосиз равишида қабул қиласлик натижасида етказилган заарларни коплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, микдорда ва сифатда етказиб бериш;
- агар товарларни етказиб бериш жараённида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигидан четга чиқишига йўл кўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 3- кун муддат ичидан барча аникланган камчиликларни бегараз бартарф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибида мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган хисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб оловучи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар кийматининг 5 фоизи микдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз микдорида жарима тўлади.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташки, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар киймати тўланишини талаб килишга ҳаклидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек хисоб-китобнинг бошка шаклларида товарлар ҳакини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи микдорида жарима тўлади.

Етказиб берилган товарлар ҳакини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган микдорида пеня тўлади.

4.3. Етказиб берувчи:

- микдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи шартнома шартларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;
- шартнома шартларининг бошка бузилишлари;
- тузиленган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) конун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошка мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб оловучи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳакини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳаки тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб килишга ҳаклидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептисиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечикириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб оловучига (буюртмачига) кечикирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлади, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган

хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечикириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.6. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка килинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки үралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада үралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб оловучига (буюртмачига) бундай товарлар кийматининг 5 фоизи микдорида жарима тўлади. Товарлар қабул килингандан кейин яна жўнатилиши ёки сакланиши керак бўлган ҳолларда сотиб оловучи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташки, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи хисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шахардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳаклидир.

5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиқкан тақдирда, томонлар, коидага кўра, мустакил равишида уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни хал этиш учун бевосита ҳўжалик судига мурожаат килишга ҳаклидир.

5.3. Томонлар ҳўжалик судига мурожаат килган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги ҳўжалик судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралидаги 63-сонли “Енгиг бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги карорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси конунлари билан тартибга солинади

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома ғазначилик бошқармасида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. “31” декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро хисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин.

Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган холларда шартнома бажарилган хисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қilmайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Етказиб берувчи

Ташкилот номи : «Шерюрак Худайназар» Ф/Х
Манзил: Пастдаргом тумани Арабхона К.Тураев

Телефон:

Факс:

СТИР коди: 304819566

ОКЭД: _____

Х/Р 20208000300806207001

Банк номи: «Микрокредит Банк» Жума ф-ли
МФО: 01047

Рахбар (директор): Х.Тураев Тұрақулов Х
М.У. (имзо)

Хукукшунос М.У.

Хукукшунос М.У.

Буюртмачи

Ташкилот номи: “Форумлар мажмуаси” комплексидан
фойдаланиш ва хизмат курсатиш бошқармаси

Манзил: Самарқанд шахар Гулобод кўчаси 33 уй
Тел.: 8 (366) 239-83-06 Факс: _____

СТИР коди: 204099034

ОКОНХ: 90220

Буюртмачининг Фазна шахсий хисобвараги:
100021860184017013902018001

Ғазначилик бўлинмаси номи: Самарқанд вилояти бўйича
Ғазначилик бошқармаси

Ягона Ғазначилик хисобвараклари (ЯҒХ):
23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк Тошкент шахар бош бошқармаси
ХКММ

МФО : 00014

Ғазначилик бўлинмаси ИИН рақами: 201122919

Бошқарма башлигиги: Х.Равшанов
М.У. (имзо)

Х.Равшанов



Х.Тураев

“ТАСДИКЛАЙМАН”
 Самарқанд вилоят ҳокимлиги
 «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва
 хизмат кўрсатиш бошкармаси
 бошлиғи Х.М.Равшанов
 2022 йил

МУХР

Самарқанд вилоят ҳокимлиги «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошкармаси биогомус харид килиш бўйича доимий ишловчи танлов (~~тандер~~) Комиссияянигилиши

БАЁН НОМЕР № 03

2022 йил 07 ноябр

Самарқанд шаҳри

Раислик қилувчи
 Иштирок этдилар

М.Танқиев
 О.Туракулов
 Ш.Ғаниев
 М.Закиров
 Д.Эрназаров
 Ш.Очилов
 Э.Хожимуродов

КУН ТАРТИБИ:

«Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошкармасига биогомус харид килиш бўйича "Шерюрак Худойназар" Ф/Х, "Самарқанд Тонг Шабодаси" МЧЖ ва "Рузиев Шароф Исломович" ЯТТ томонидан танлов (~~тандер~~) Комиссияяга тақдим этилган харид таклифлари бўйича энг яхши харид таклифини анилаш.

Сўзга чикганилар:

Дилшод Эрназаров, Мухлис Закиров ва О.Туракулов

Йиғилишда қайд этилдики, «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошкармасга биогомус харид килиш бўйича Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги 9-сонли баённомасининг 6 – бандини инобатга олиб, доимий ишловчи Комиссиясининг биогомус харид килиш бўйича бир катор корхоналардан харид таклифлари тақдим этилган.

Жумладан, харид таклифларини тақдим этиши тўғрисидаги расмий мурожаатномага мувофиқ, Комиссияяга:

- Пастдарғом тумани Арабхона қишлоғида жойлашган "Шерюрак Худойназар" Ф/Х томонидан 2022 йил 07 январдаги № 32 сонли хат билан;

- Самарқанд шаҳар Супер кўргонида жойлашган "Самарқанд Тонг Шабодаси" МЧЖ томонидан 2022 йил 07 январдаги № 6 хат билан танловда иштирок этиши учун алоҳида харид таклифлари тақдим этилган.

- Самарқанд тумани Бадал қишлоғида жойлашган "Рузиев Шароф Исломович" ЯТТ томонидан 2022 йил 07 январдаги № 08 сонли хат билан;

Мазкур корхоналар томонидан тақдим этилган харид таклифларига мувофиқ биогомус харид килиш бўйича танловда иштирок этиши учун куйидаги тур, ўлчам ва нархлар тақлиф этилган:

№	Тури	Ўлчов бирлнги	Ўлчами	ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР		
				"Шерюрак Худойназар" Ф/Х	"Самарқанд Тонг Шабодаси" МЧЖ	"Рузиев Шароф Исломович" ЯТТ
				Нархи	Нархи	Нархи
1.	Биогомус	дона	1	2000	2050	2100

"Корхоналар томонидан биогомус сифатли хамда шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, уларни етказиб бериш ва уларни олингунга қадар омборларда тўлиқ саклаб туриш кафолати берилган".

"Комиссия аъзолари томонидан йўл-транспорт харажатларини максимал иқтисод килиш, марказдалиги хамда саклаш шароитлари бўйича ўтказилган таҳлиллар натижасида Пастдарғом тумани Арабхона қишлоғида жойлашган "Шерюрак Худойназар" Ф/Х имкониятлари кулайлигини кўрсатиб ўтилди".

"Шунингдек, Самарқанд шаҳар Супер кўргонида жойлашган "Самарқанд Тонг Шабодаси" МЧЖ ва Самарқанд тумани Бадал қишлоғида жойлашган "Рузиев Шароф Исломович" ЯТТ томонидан харид таклифларида қайд этилган нархлар юкорилиги ва маҳсулотларни етказиша кўшимча харажатларга талабни келтириб чиқариши мумкинлиги кўрсатиб ўтилди".

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганларни хисобга олиб ҳамда корхоналар томонидан тақдим этилган харид нархлар, сифати ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, уларни етказиб бериш ва уларни олингунга қадар омборларда тўлиқ саклаб туриш, корхоналарнинг яқин-узоқлиги, транспорт харажатларни ҳар томонлама таҳлилдан ўтказиб, Комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошкармаси биогомусни:
 - тақдим этилган нархлари арzonлиги;
 - сифати ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, етказиб бериш ва маҳсулотларни олингунга қадар омборларда тўлиқ саклаб туриш кафолати берилганлиги;

- корхонани Самарқанд шаҳри марказида жойлашганлиги, бу эса жиҳозларни олиб келиш учун қулай эканлиги хамда транспорт харажатларини иқтисод қилиш имконияти мавжудлиги туфайли "Шерюрак Худойназар" Ф/Х дан харид килинсин.

2 "Шерюрак Худойназар" Ф/Х дан биогомус харид килиш бўйича «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат қўрсатиш бошқармаси ўртасида хўжалик шартномалари лойихалари икки нусхада Ўзбекистон

Республикасининг бюджет кодекси хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон "Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2007йил 20 мартағи 53-сон "Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг ғазничилиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида"ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси молия вазриғининг 2016 йил 22 ноябрдаги 88-сон бўйруғи (рўйхат

раками 2850,2016 йил 22 декабр) (Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўпласи, 2016й, 51-сон, 593-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 декабря рўйхатдан ўтказилди, рўйхат раками 2850-1 Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларнинг ғазна ижроси коидаларига иловага мувофиқ риоя қилинган ҳолда тузиш белгилансин.

3. "Шерюрак Худойназар" Ф/Х дан биогомус харид килиш бўйича «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат қўрсатиш бошқармасига биогомус харид килиш бўйича тузиладиган хўжалик шартномалари Ўзбекистон Республикасининг 27.09.2018 йилдаги ПҚ-3953-сонли, «Давлат харидлари тўғрисида»ги конунининг Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатидаги 26-бандида кўзда тутилган, яъни, "Мамлакатимиз, хукуматимиз раҳбарлари, хорижий давлатлар ва хукуматлар бошликлари хамда уларнинг вакилларининг кабуллар уйига ташрифи билан боғлик бўлган товарлар (ишлар, хизматлар), шу жумладан уларнинг яшаси, овқатланиши, ташкилий масалаларни ҳал этиш ва ушбу максадлар учун кўзда тутилган бошка харажатлар" бандини инобатга олиб ички тендер танловлари асосида шартнома тузилсин ва тўловлар амалга оширилсин.

4 "Шерюрак Худойназар" Ф/Х дан биогомус харид килиш бўйича «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат қўрсатиш бошқармаси ўртасида икки томонлама тасдиқланган ва жалб этиладиган адвокатлар ёки юристлар экспертизасидан ўтказилган хўжалик шартномалари белгиланган тартибида тузилиб, икки томон раҳбарлари томонидан тасдиқлангандан сўнг асли ва 1 (бир) нусхаси 20 кун ичida Самарқанд вилояти бўйича Ғазничилик бошқармаси юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш ва нарх мониторинги гурухига тақдим этилсин.

5. Мазкур баённомага харид таклифларини тақдим этган корхоналарнинг хатлари, харид таклифлари ва тендер тавловида ғолиб чиккан корхонанинг гувоҳномалари, лицензия ва бошка тақдим этилган ҳужжатлари илова килинсин.

6. Мазкур баённома ижроси назорати комиссия раиси ўринбосари юклатилсин.

Комиссия раиси, бошқарма бошлиғи ўринбосари

М.Танкиев

Комиссия раиси ўринбосари, бош мухандис

О.Туракулов

Комиссия аъзоси, видеокузатув оператори

М.Закиров

Комиссия аъзоси, комендант

Д.Эрназаров

Комиссия аъзоси, омбор мудири

Ш.Ғаниев

Комиссия аъзоси, мухандис теплотехник

Ш.Очилов

Комиссия аъзоси, Энергетик

Э.Хожимуродов